

3. O'zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to'g'risida»gi Qonuni. -T.: 27-iyul, 2000.
4. O'zbekiston Respublikasi Prezidentning «O'zbekiston bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasi faoliyatini takollilashtirish choratadbirlari to'g'risida»gi 29-avgust, 2004-yil 3481-son Farmoni.
5. Ayrapetyants L.R., Pulatov A.A., Isroilov Sh.X. Voleybol. II Oliy o'quv yurtlari umumiyy kurs talabalari uchun o'quv qo'llanma. T.: 2009. - 77 b.
6. Usmonxo'jayev T. S. Xodjaev F "1001 o'yin" o'quv qo'llanma. T 343b

## **Олий таълимда кураш фанини ўқитишининг амалиётдаги ҳолати ва ўргатиш босқичлари**

**Абдулахатов А.Р.**

**Чирчик давлат педагогика университети доценти,  
Рахимбердиев Ж.**

**Чирчик давлат педагогика университети 2-боскич магистранти,  
Нигматуллаева Д.  
Чирчик давлат педагогика университети 2-боскич магистранти.**

**Аннотация:** Ушбу мақола кураш спорт турининг бугунги кундаги мавкеи, Олий таълим тизимида тутган ўрни, курашнинг ривожланиш тарихи, курашчи ва мураббийлар одоби ҳакида маълумотлар берилган.

**Калит сўзлар:** Кураш спорт тури, одаб-ахлоқ, кураш этикаси, аждодларимиз, таълимтарбия, мардлик, бағриенглик, олийжаноблик, ҳалоллик, дарслари, машғулотлар, мусобақа.

Бугунги кунда юрт келажаги бўлган ёшларни ватанпарвар, мамлакат тараққиётига даҳлдор, ижтимоий масъулиятли қилиб тарбиялашда жисмоний тарбия ва спорт асосий восита бўлиб хизмат қилмоқда. Шу жиҳатдан жисмоний тарбия ва спортни ривожлантириш, бу соҳадаги муаммоларни фалсафий, хуқуқий, социологик ёндашувлар орқали ҳал қилиш, жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларини рақобатбардош кадрлар қилиб тайёрлаш, уларнинг тафаккур тарзини такомиллаштириш асосий вазифаларимиздан биридир.

Курашнинг жаҳонда янги спорт тури сифатида шиддат билан оммавийлашуви, жаҳон цивилизациясига ўз ҳиссасини кўшиб, умуминсоний қадриятга айланиши-жаҳон аҳлига насиб этган буюк бир тухфадир. Давлатимиз раҳбарининг ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича 5 та муҳим ташабbusni илгари суриши бежиз эмас. Хусусан, иккинчи ташабbus ёшларни жисмоний чинқириш, уларнинг спорт соҳасида қобилиятини намоён қилишлари учун зарур шароитлар яратишга йўналтирилган. Ўзбекистонда илм-фанни, шу жумладан, спортни республикамиизда ривожлантириш фикрлари муҳим ахамиятга эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 - 2023 йиллар давомида Ўзбекистон Республикасида жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисидаги қарори бунинг исботидир.

Таълим-тарбияни миллий ва умуминсоний қадriятлар билан уйғунлаштириб олиб бориши уни жаҳон андозалари даражасига етказиш борасида мамлакатимиз таълим тизимида дикқатга сазовор ишлар амалга оширилди ва бу жараён жадал давом этмоқда. Таълим ва тарбияда миллий ва умуминсоний қадriятларни уйғунлаштирган ҳолда олиб бориши баркамол авлод тарбиясида яхши самара берди. Кураш ва қадriятлар соғлом авлод тарбиясининг муҳим омилларидан биридир.

Кураш ўтмиш аждодларимизнинг ибратли ҳаёт йўли ва серқирра фаолиятини миллий қадriятларимизни чинакам бойитган бебаҳо хазинадир. Таълим-тарбияни миллий ва умуминсоний қадriятлар билан уйғунлаштириб олиб бориши уни жаҳон андозалари

даражасига етказиш борасида мамлакатимиз таълим тизимида дикқатга сазовор ишлар амалга оширилди ва бу жараён жадал давом этмоқда. Таълим ва тарбияда миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда олиб бориш баркамол авлод тарбиясида яхши самара берди. Спорт ва қадриятлар соғлом авлод тарбиясининг муҳим омилларидан биридир.

Кураш азал-азалдан олийжаноблик, мардлик ва ҳалоллик тимсоли, ҳалқимизнинг бир неча минг йиллик тарихга эга миллий-маданий меъроснинг қисми ва бебаҳо бойлиги хисобланади.

**Биринчи босқич** 1992 – 1998 йилларни ўз ичига олиб, унинг мақсади курашни спорт тури сифатида шакллантириш ва уни ҳалқаро миқёсига олиб чиқиш учун асос яратишдан иборат. Бунинг учун биринчи навбатда курашнинг янги қоидаларини татбиқ қилиш, уларни жаҳон мамлакатларида тарғиб қилиш лозим.

**Иккинчи босқич** 1998 – 2005 йилларни ўз ичига олиб, мақсади жаҳон чемпионатлари, ҳалқаро мусобақалар ташкил этиш, жаҳонда кураш спортининг ўз тизимини яратишдан иборат.

**Учинчи босқич** 2005 йил ва ундан кейинги йилларни ўз ичига олади. Асосий мақсад ҲҚАнинг ҳалқаро ва қитъавий спорт ташкилотлари билан алоқаларни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, курашни оммавий спорт тури сифатида Олимпия ўйинлари дастурига киритишдан иборат.

Ишонч билан шуни айтиш мумкинки, иродани тоблайдиган, кишини ҳалоллик сари интилишга ундейдиган, кийинчиликларни бардош ва чидам билан енгиб ўтишга ўргатадиган, инсон калбида ғалабага ишонч, ғуур ва ифтихор туйғуларини шакллантиришга хизмат киладиган Кураш шиддаткор хаёт талабларига жавоб бера оладиган шахсларга, бунёдкор ёшларнинг баркамол бўлишида ўзининг беназир хиссасини кўшади. Зоро, полвонлик фалсафаси кишини комиллик сари етаклайди.

Асрлар давомида мардлик, бағрикенглиқ, олийжаноблик ва ҳалолликнинг тимсоли сифатида эъзозланиб келинган Кураш миллатимизнинг бебаҳо қадрияти ғуури ва ифтихоридир! (**К.Юсупов таснифи**)

Курашнинг кўп минг йиллик тарихи полвонларнинг жисмоний, маънавий ва руҳий оламининг етуклигини таърифлайди.

- Курашчи полвонлар қасам ичмайдилар, ҳеч қачон ўз юртига хиёнат қилмайдилар;
  - Курашчи полвонлар зинодан, гиёхвандлик, мақрдан ҳазар киладилар, бу иллатларга қарши курашадилар;
  - Курашчи полвонлар иродаси кучли, ёд ғояларга эргашмайдилар;
  - Курашчи полвонлар заиф ва ночорларни химоя қиласидилар, муҳтожларга ёрдам кўрсатадилар;
  - Курашчи полвонлар мардлик ва ҳалоллик, ракибига нисбатан хурмат туйғулари билан ажралиб турадилар;
  - Курашчи полвонлар жаъсур ва катъиятлик бўладилар;
- Юқоридаги таърифларда асрлар давомида шаклланган Кураш фалсафаси мужассамлигини кўриш мумкин:
- Мустақил дунёқараш ва эркин фикрлашни шакллантиришда;
  - Ўз билими ва кучига ишониб яшайдиган катъиятли инсонни тарбиялашда;
  - Ўзликни англаш, муқаддас қадриятларни асраб - авайлашда;
  - Олийжаноблик, иймон-эътиқод, саховат ва ҳалоллик каби инсонийлик фазилатларни юксалтиришда -
- Миллатнинг кўп минг йиллар сайқалланиб келган, беназир ва бебаҳо қадрияти бўлган Курашнинг роли бекиёслигини кўрсатади. Зоро, полвонлик фалсафаси инсонни комиллик сари етаклайди.

Бўлажак жисмоний тарбия ва кураш ўқитувчилари, мураббийлари кураш мусабоқаларида вазн ўлчаш баёнини, кураш баённомаси, курашчилар кийиб курашадиган яктак, кураш тиламлари ҳакида тўлиқ маълумотларга эга бўлишлари керак. Куйидаги гафик, чизма ва расмларда курашга оид маълумотлар акс этган.

### **Кураш бўйича мусобақа баёни**

#### **Спортнинг кураш тури бўйича Чирчиқ давлат педагогика интитутининг талабалар ўртасида «Ректор кубоги» вазн ўлчаш Баённомаси**

**Вазн73кг**

**26.10.2022**

№	ФИШ	Туғилган йили	Жамоа	Вазни	Кура рақами
1					
2					
3					
4					


**Бош хакам:**

**Бош котиб:**

#### **Спортнинг кураш тури бўйича Чирчиқ давлат педагогика интитутининг талабалар ўртасида «Ректор кубоги» Баённомаси**

**Вазн 73 кг**

**26.10.2022.**




**1991 йил кураш қоидалари ишлаб чиқилди. Кураш Халқаро Ассоциациясининг 1-таъсис конгрессида халқдро крида сифати бир овоздан тасдиқданди. 1998 йил 6 сентябрь 1-сон баённомаси.**

Кураш дарслари, машғулотлари ва мусобақа жараёнида талабалар шикастланишини табиий бир ҳол. Буларнинг асосий сабаблари қўйдагича;

1. Кураш дарсларда профессор ўқитувчилар томонидан талабаларга эътиборсизлиги;
2. Машқларни бажаришда ўзини химоя ( страховка ) қилишни билишмаслиги;
3. Кураш кийими ( яктак ) да дарсларда қатнашмаслиги;
4. Шахсий гигиеник қоидаларига риоя қилмаслилик;
5. Профессор ўқитувчиларнинг, мураббийларнинг руҳсатисиз машғулотларга киришиши;


6. Тақиқланган буюмлар тақиб кириши ( узук, заголка в.б ).

#### Курашчиларнинг кийими(Яктак).



- Курашчилар кўк ёки яшил яктак, қизил белбоғ ва оқ иштон кийишлари шарт ва бу холда биринчи чақирилган қатнашчи кўк яктакни, иккинчиси эса яшил яктакни кияди.
  - Кураш кийими пахтадан тайёрланган бўлиши, мато ўта қаттиқ бўлмаслиги шарт.
- Куйидагича белгиларга руҳсат берилади:
- Яктакнинг узунлиги тиззадан 10 x 15 см. баландда бўлиши керак. Яктак устидан бел атрофида икки марта ўралиб боғланган белбоғнинг тугундан учигача бўлган қисми 20 см. дан кам бўлмаслиги, яктак сенглари узунлиги кўпи билан кўл тирсагидан 20 x 25 см. паства бўлиши, кўл ва енг ораси 5 см. бўлиши, иштон узунлиги бўйича 10 x 15 см. Курашчи аёллар яктак ичидан оқ рангли, маҳкам футболжа ёки калта енгли ёқасиз кўйлак кийиши керак. Хар иккала жинсдаги курашчилар хам яланг оёқ курашадилар;

#### Кураш гилами



1. Кураш гиламининг минимал ўлчами 10x10 м, 12x12 м, 14x14 м бўлиши, максимал ўлчами 16x16 м. Кураш гилами одатда кўк ва оч яшил ранглардан иборат материал билан қопланиши шарт.
2. Кураш гилами иккита майдонга бўлинади. Бу майдонларни ажратиб турадиган чизик «хавфли чизик» дейилади.
3. Хавфли чизик ичидағи майдон «хавфсиз майдон» дейилади, унинг минимал ўлчамлари 8x8 м, максимал ўлчамлари эса 10 x 10м.
4. Хавфли чизик ташқарисидаги майдон «хавфли майдон» дейилади ва энига 3-м бўлади.
5. Кураш гилами юмшоқ полда ёки маҳсус платформада жойлашиши, кураш гилами атрофида 1 м. дан кам бўлмаган бўш майдон бўлиши шарт.
6. Кураш гилами қўйидаги ўлчамларда бўлади: 200 x 100 x 4см. ёки 5см.

Ёшларни халқимизнинг урф – одатлари, анъаналари, халқ оғзаки ижоди, буюк мутафаккирлар асарлари, шунингдек баҳодир полвонлари ва уларнинг ватанпарварликлари, қаҳрамонликлари, довюрақликлари билан таниширига бориш тарихий зиёратгоҳларга олиб бориш, уларда ота-боболаримиз меросига бўлган қизиқишиларини янада орттиради. Таълим-тарбия жараёнида миллий қадриятлардан изчил фойдаланиш катта самара беради ва шундагина кутилган мақсадга эришиш мумкин.

Муаллиф кузатишлари ва таҳлиллари шуни кўрсатадики, полвонларнинг рақибга, гиламга ва томошабинларга нисбатан ҳурмат бажо келтириб, таъзим қилиши юқори даражадаги ҳурмат маъносини билдириб спортда шахс тушунчасининг қадрланишини англатади. Бу эса умумэътироф этган ахлоқ нормалари талабларига тўлақонли мос келиб, инсонпарварликни ўзида мужассамлаштиради. Қоидалардаги яна бир муҳим кўрсаткичлардан бири рақибга нисбатан қўполлик ишлатмаслик, қоидага зид ҳатти-ҳаракатлар кильмаслиkdir. «Тўхта» ишорасидан сўнг курашчи ҳаракатни тўхтатиши хамда усувларни давом эттираслиги қатъян талаб этилади. Мазкур жихатлар қоидаларда ўз аксини топган бўлиб, agar курашчи қоидаларни бузса ҳакам томонидан огохлантирилади. Бундан кўринадики, кураш энг аввало тарбия воситаси сифатида инсон ва унинг шаънини қадрлайди. Курашнинг қадрият сифатидаги аҳамияги ва ўрни фақатгина мусобақаларда эмас, машгулотлар жараёнида ҳам акс этади. Мураббийлар машғулотлар жараёнида курашчиларни фақатгина жисмоний тайёргарлигини оширибгина қолмай, уларни маънавий, ахлоқий, ва эстетик тарбиялаб боради. Тозаликка риоя қилиш, кураш кийимларини, гиламни озода сақлаш, машғулотлар жараёнида тартиб-интизомга риоя қилиш, ўзаро ҳурмат руҳини шакллантириш ва албатта, устозларга ҳурматда бўлиш кераклиги курашчиларга доимий равища сингдириб борилади. Ёшларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи халқ педагогикаси олдида турувчи доимий долзарб вазифа ҳисобланган. Айниқса, бугунги глобаллашув шароити ёшлар тарбиясига алоҳида ёндашув ва талаблар қўймоқда. Ҳусусан, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш муҳим масалалардан ҳисобланади.

Адабиётларни ўрганиш ва илмий-педагогик қузатишлар шуни кўрсатадики кураш ўзига хос спорт тури. У фақатгина жисмоний беллашув манзараси бўлибина колмай, маънавий ва ахлоқий тарбия воситаси ҳамдир. Шу сабабдан кураш билан шуғулланувчилар ўзига хос руҳий, маънавий ва ахлоқий сифатларга эга бўлади. Курашнинг яна бир ўзига хос жиҳати унинг томошаболигидир. Кураш мусобақалари жараёнида спортчилар томонидан мураккаб ва жозибали усуслар қўлланилади. Усусларнинг бажарилиши қанчалик мураккаб бўласин, у спортчига жисмоний ва маънавий зарар етказмайди. Мутахассисларнинг фикрича, кураш спорт турлари ичида энг хавфсиз спорт тури ҳисобланади. Кураш беллашувларининг бошланишидан то якунигача спортчилар ўзларининг ҳам жисмоний ҳам маънавий тайёргарлик даражасини намойиш қилишади. Кураш спортининг ижтимоий-тарбиявий аҳамиятини ўрганиш, унинг миллий ва умуминсоний қадрият сифатидаги ўрнини ўрганиш натижасида қўйидаги хуносаларни берамиз:

- кураш инсон жисмоний, маънавий ва ахлоқий тарбияси воситаси;
- кураш ўзининг тарихий ривожланиш хусусиятига кўра узоқ даврни босиб ўтган ва ҳалқ иродаси ва интилишлари намунаси;
- қадимдан ҳалқимиз ёшлар тарбиясида ва ижтимоий турмуш-тарзида курашдан кенг фойдаланган ва уни асраб-авайлаб келган;
- кураш ўзбек ҳалқи хаётида муҳим ўрин тутиб, миллий қадрият даражасига кўтарилган;
- кураш барча ҳалқлар ва мамлакатлар эътиқоди, интилишлари ва хусусиятлари мослиги сабабли умуминсоний қадрият даражасида эътироф этилади;
- гуманизм, ватанпарварлик ва ҳалоллик курашнинг энг асосий таянч устунларидан ҳисобланади

#### **Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4881 «Кураш Миллий спорт турини ривожлантириш ва унинг ҳалқаро нуфузини янада ошириш чора-тадбирлари тўғриси»да Қарори. 2020 йил 4 ноябрь.
2. Комил Юсупов. Кураш ҳалқаро қоидалари, техникаси ва тактикаси. Тошкент. Фоур Ғулом . 2005.132 бет.
3. Ахмедов Ф.Қ, Абдулахатов А.Р, Хайитов О.Т. Кураш спорт-қадрият-маънавият ва тарбия воситаси. Тошкент 2020 йил.
4. Ахмедов Ф.Қ, Абдулахатов А.Р.» Ўзбек кураш миллий ва умуминсоний қадриятлар дурдонаси». Тошкент 2017 йил.

## **GIMNASTIKANING RIVOJLANISHI VA BOLA TARBIYASIDA TUTGAN O'RNI**

**Abduraximov S .D.**

**Chirchiq davlat pedagogika universiteti o'qituvchisi**

**Annotatsiya:** Ushbu maqolada gimnastikaning rivojlanishi va bola tarbiyasida tutgan o'rni haqida qisqacha mazmuni bayon etilgan.

**Kalit so'zlar:** Gimnastika, gimnos, maxsus, yalang'och, jismoniy rivojlanish, sog'lom, tezlik, kuch, egiluvchanlik, chidamlilik.

Gimnastika (grekcha. «gimnos» — yalang'och) — maxsus tanlab olingan jismoniy mashqlar tizimi bo'lib, bolalarning har tomonlama jismoniy rivojlanishi va sog'lomlashtirishga yo'naltirilgan ilmiy asoslangan uslubiy ko'rsatmalar majmuasi hisoblanai, jismoniy mukamallikka erishuv jarayonida bolaning turli faoliyatga tayyorgarligi hamda jismoniy tayyorgarligini nazarda tutadi.